



ORGANIZING PROSECUTORIAL INSPECTIONS OVER THE IMPLEMENTATION OF LAWS ENSURING THE RULE OF LAW IN THE CREDIT SECTOR

Zahriddin Sobirjanovich Hazratqulov

Independent Researcher

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: zahriddin0501@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: credit sector, prosecutorial check, non-performing loans, prudential supervision, banking system, preparation for checks.

Received: 05.09.26

Accepted: 06.09.26

Published: 07.09.26

Abstract: This article analyzes the role and significance of prosecutorial checks in ensuring the rule of law, as well as preventing and eliminating violations in the banking and credit sector. The author highlights the primary forms of legal violations occurring in this sphere and emphasizes that the absence of a unified, specialized methodology for organizing and conducting prosecutorial checks adversely affects operational efficiency.

The article outlines the stages of preparing for checks, alongside the collection and analysis of requisite information from the Central Bank, the Ministry of Economy and Finance, commercial banks, and other competent authorities. Furthermore, it explicitly defines the main subjects of checks conducted within the Central Bank and commercial banks, addressing issues related to prudential supervision, non-performing loans, and collateral assets. Finally, the study substantiates the importance of maintaining the confidentiality of check materials and prosecutorial response acts to preserve the stability of the banking system.

**КРЕДИТ СЕКТОРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ**

Захриддин Собиржанович Ҳазратқулов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси мустақил изланувчиси

E-mail: zahriddin0501@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кредит сектори, прокурор текшируви, муаммоли кредитлар, пруденциал назорат, банк тизими, текширишга тайёргарлик кўриш.

Аннотация: Ушбу мақолада банк-кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда прокурор текширувларининг ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф соҳада учрайдиган асосий қонунбузарлик шакллари кўрсатиб, прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ягона махсус услубиётнинг йўқлиги фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлайди.

Мақолада текширувга тайёргарлик кўриш, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, тижорат банклари ва бошқа ваколатли органлардан зарур маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш босқичлари ёритилган. Шунингдек, Марказий банк ва тижорат банкларида ўтказиладиган текширишларнинг асосий предметлари, пруденциал назорат, муаммоли кредитлар ва гаров мулклари билан боғлиқ масалалар аниқ кўрсатилган. Яқунда текширув материаллари ва прокурор назорати ҳужжатларининг махфийлигини таъминлаш банк тизими барқарорлиги учун муҳимлиги асосланган.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОКУРОРСКИХ ПРОВЕРОК ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОВ, НАПРАВЛЕННЫХ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАКОННОСТИ В КРЕДИТНОМ СЕКТОРЕ

Захриддин Собиржанович Ҳазратқулов

Самостоятельный соискатель

Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

E-mail: zahriddin0501@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кредитный сектор, прокурорская проверка, проблемные кредиты, пруденциальный

Аннотация: В данной статье анализируются роль и значение прокурорских проверок в обеспечении

надзор, банковская система, подготовка к проверке.

верховенства закона, предупреждении и устранении правонарушений в банковско-кредитном секторе. Автор указывает на основные формы правонарушений, встречающиеся в этой сфере, и подчеркивает, что отсутствие единой специальной методики организации и проведения прокурорских проверок негативно сказывается на эффективности деятельности.

В статье освещены этапы подготовки к проверке, сбора и анализа необходимой информации из Центрального банка, Министерства экономики и финансов, коммерческих банков и других уполномоченных органов. Также четко определены основные предметы проверок, проводимых в Центральном банке и коммерческих банках, вопросы, связанные с пруденциальным надзором, проблемными кредитами и залоговым имуществом. В завершение обоснована важность обеспечения конфиденциальности материалов проверок и актов прокурорского реагирования для стабильности банковской системы.

Бугунги кунда прокуратура органлари томонидан кредит секторида содир этилаётган қонунбузарликларни аниқлаш ва уларнинг келгусида содир этилишини олдини олишга қаратилган энг муҳим восита – бу прокурор текширувлари бўлиб қолмоқда. Зеро, айрим ҳуқуқшунос олимлар тўғри қайд этганидек, текшириш ўтказиш ҳуқуқи қонун бузилишини аниқлаш бўйича прокурорнинг асосий ваколатларидан бири бўлиб, текшириш эса прокурорнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий воситаси ҳисобланади ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи муҳим аҳамият касб этади[1].

Таъкидлаш лозимки, банк-кредит секторидаги ҳуқуқбузарликлар банклар, молия ташкилотлари, қарз олувчилар ёки улар ўртасидаги воситачилар томонидан содир этиладиган ҳуқуқий меъёрларга зид хатти-ҳаракатлар мажмуидир. Прокурор назорати амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда банк-кредит секторида содир этилаётган қонун бузилиши ҳолатлари асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда:

– қалбаки ҳужжатлар билан кредит олиш, яъни даромадни тасдиқловчи ҳужжатлар, гаровни баҳоловчи ҳулосалар ва бошқа расмий ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кредит маблағларини қўлга киритиш;

– манфаатдор шахслар билан тил бириктириб кредит ресурсларининг ажратилиши – банк ходимлари ва мижозлар ўртасидаги коррупциявий келишувлар асосида ноқонуний кредит бериш;

– қарздорнинг молиявий ҳолатига тўлиқ баҳо бермасдан, яъни кредитга лаёқатлилиқни расмийлаштириш учун текшириш, мижознинг реал тўлов имкониятларни ўрганмасдан кредит бериш;

– фойиз ставкалари ва шартларни яшириш орқали (яширин комиссиялар, кредит шартномасига ноаниқ бандлар киритиш) истеъмолчиларни алдаш;

– кредит маблағларини мақсадсиз сарфлаш, яъни банк маблағларини белгиланган мақсаддан ташқари йўналтириш ёки талон-торож қилиш;

– жиноий даромадларни легаллаштириш – кредит тизими орқали ноқонуний маблағларни “ювиш”[2];

– қалбаки кредит шартномаларини тузиш – амалда фаолият юритмайдиган шахслар номидан қарз олиш ёки ҳужжатларни сохталаштириш;

– фирибгарлик йўли билан кредит олиш – асоссиз маълумотлар бериш, ўзига тегишли бўлмаган мол-мулкни гаров сифатида кўрсатиш;

– инсайдерлик маълумотларидан фойдаланиш – банк мансабдорлари томонидан молиявий муносабатлардаги махфий (конфиденциал) маълумотлардан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ва бошқалар.

Табиийки, айнан “қонунлар ижроси юзасидан прокурор текшируви қонун бузилиши ҳолатларини, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ва айбдор шахсларни аниқлаш имконини беради”[3]. Шу сабабли, ушбу соҳага оид назорат объектларида сифатли ва тўлақонли текшириш ўтказиб, самарали прокурор назоратининг ўрнатилиши юзга келиши мумкин бўлган турли қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш ва бартараф қилишнинг ўзига хос гарови саналади[4].

Бироқ, ҳозирги пайтда банк-кредит соҳасида текшириш ўтказиш прокуратура ходимидан нафақат юридик, балки иқтисодиёт ва молия соҳаларида ҳам билим, кўникма ва амалий тажриба талаб этиши, энг асосийси, мазкур соҳада прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус услубиётнинг ишлаб чиқилмаганлиги прокуратура органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг сифати ва самарадорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини услубий таъминлаш прокуратура органлари фаолиятининг ажралмас ва муҳим қисми саналади[5]. Оқибатда, баъзи ҳуқуқшунос олимлар тўғри таъкидлаганидек, молия-

кредит соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкил этилиши белгиланган талабларга тўлақонли жавоб бермаяпти[6].

Шуни унутмаслик зарурки, прокурор текширувларининг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлаш, энг аввало, текширишга пухта тайёргарлик кўриш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан кредит секторида қонун устуворлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари ҳам мустасно эмас. Зеро, Н.Субанова таъкидлаганидек, текширувнинг сифати прокурор томонидан унга тайёргарлик кўриш жараёнига ажратилган эътиборга боғлиқдир[7]. Хусусан, текширувга тайёргарлик норматив-ҳуқуқий база билан атрофлича ва тўлиқ танишишдан бошланади. Ушбу соҳадаги идоравий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини баҳолаш учун уларни синчковлик билан ўрганиш алоҳида эътибор талаб этади. Назорат органи ваколатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиш текширув саволларини тўғри шакллантиришнинг муҳим шартидир[8].

Кредит секторида қонун устуворлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувига тайёргарлик кўриш босқичида қонунийлик аҳволига чуқур баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида аввало ваколатли давлат органлари ва муассасаларидан бир қатор маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бошқармаларидан:

- тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган, инвестиция ва бошқа дастурлар учун кўзда тутилган ресурс маблағлари ҳамда ажратилган кредитлар тўғрисида маълумотлар;
- мавжуд муаммоли кредитлар миқдори (соҳалар ва банклар кесимида) ҳақида маълумотлар;
- муаммоли кредитларнинг ажратилган умумий кредитлар миқдоридаги улуши (соҳалар ва банклар кесимида);
- муаммоли кредит қарздорликларини қайтариш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар;
- кредит ажратиш жараёнида йўл қўйилган қонунбузарликлар, муаммоли кредитларни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган ҳужжатлар ҳақида маълумотлар.

– алоҳида шахслар ёки ўзаро алоқадор шахслар гуруҳи (аффилиланган шахслар) томонидан бир нечта банклардан бир вақтнинг ўзида олинган ва муаммолига айланган кредитлар реестри;

– Марказий банк томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларида ўтказилган жойлардаги текширувлар ва масофавий назорат далолатномалари, хулосалари;

– кредит хавф-хатарларини (активлар сифатини) нотўғри таснифлаш, муаммоли кредитларни яшириш (яъни, яширин реструктуризация қилиш) ҳолатлари бўйича Марказий банк аниқлаган қоидабузарликлар бўйича ҳужжатлар;

– Марказий банк томонидан ўтказилган гаров мулклари аудити (Гаров репозиторийси маълумотлари);

– гаров қиймати сунъий равишда ошириб баҳоланган ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта кредитга таъминот сифатида қабул қилинган мулклар ва уларни баҳолаган баҳолаш ташкилотлари бўйича таҳлилий маълумотлар;

– муайян туман/шаҳар ёки вилоят кесимида муаммоли кредитлар кескин ошган филиаллар ва уларнинг тоифалари (масалан, оилавий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги кредитлари).

– ҳудудий мансабдор шахслар (ҳокимликлар ва бошқалар) томонидан тавсия этилган ёки мажбурий тартибда кредит ажратилган, аммо ҳозирда қайтмаётган лойиҳалар манзилли рўйхати ва Марказий банк томонидан берилган салбий хулосалар;

– жойлардаги банк филиалларига маҳаллий ҳокимият ёки юқори турувчи ташкилотлар томонидан асоссиз кредит ажратиш бўйича ноқонуний аралашув ва босимлар (агар мавжуд бўлса) ҳақида маълумотлар;

– муаммоли кредит сифатида расмийлаштирилгач, маблағлари хорижга (оффшор ҳудудларга ёки импорт шартномалари баҳонасида) ўтказиб юборилган субъектлар бўйича валюта назорати ягона ахборот тизими кўчирмалари;

– Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш департаментининг юқоридаги каби шубҳали операциялар бўйича берган хулосалари;

– Марказий банкнинг Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тармоғи томонидан тижорат банкларининг автоматик банк тизимларида аниқланган ноқонуний аралашувлар, рухсатсиз кредит ажратиш ёки лог-файлларга (аудит трекларига) ўзибошимчалик билан ўзгартириш киритиш ҳолатлари бўйича материаллар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бош бошқармаларидан:

- давлат кафолати остида ёки бюджет ссудалари ҳисобидан тижорат банклари орқали ажратилган ва ҳозирда муаммолига айланган кредитлар реестри;
 - субсидияланадиган фоиз ставкалари ёки кредит фоизларининг бир қисмини қоплаб бериш учун вазирлик томонидан ажратилган маблағлар тақсимоти;
 - оилавий тадбиркорлик, саноат кооперацияси, агросектор ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари учун вазирлик томонидан банкларга ва ресурслар ажратувчи жамғармаларга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ва қайтарилиш мониторинги;
 - қайтарилмаган имтиёзли кредитларнинг ҳудудлар, соҳалар ва олувчи субъекти бўйича кесими;
 - улушида давлат иштироки бўлган корхоналар ва уларнинг шўъба тузилмалари томонидан олинган ва муддати ўтиб кетган кредитлар бўйича ҳисоботлар
 - улушида давлат иштироки бўлган корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш ва реструктуризация режалари;
 - банк секторидаги муаммоли кредитларнинг пайдо бўлиш сабаблари бўйича тайёрланган ички хавф-хатар (risk assessment) ҳисоботлари;
 - гаров таъминотининг ҳақиқий қиймати ва баҳолашдаги четланишлар бўйича ўтказилган мониторинг материаллари;
 - бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қайта молиялаштириладиган хорижий кредит линияларидан фойдаланиш юзасидан муқаддам ўтказилган назорат тадбирлари далолатномалари, хулосалари ва материаллари.
- Тижорат банклари (биринчи навбатда, давлат улуши мавжуд бўлган банклар) ва уларнинг ҳудудий филиалларидан:
- банкнинг кредитлаш амалиёти ва кредит портфели ҳақидаги маълумотлар;
 - ажратилган умумий кредитлар миқдорида оид маълумотлар;
 - мавжуд муаммоли кредитлар миқдори ва уларнинг кредитлар турлари кесимидаги (ипотека, микроқарз, автокредит ва ҳ.к.) улушига оид маълумотлар;
 - муаммоли кредитларнинг умумий кредитлар миқдоридаги нисбатига оид маълумотлар;
 - муаммоли кредит қарздорликларини қайтариш юзасидан амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар;
 - миқдорлар томонидан кредит олиш ва уни сарфлаш жараёнида содир этилган қонун бузилиши ҳолатларига доир материалларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (жумладан, прокуратура органларига) юборилганлиги ва уларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар;

– муаммоли кредитларни қайтариш бўйича (жумладан, прокуратура органларига) юборилганлиги ва уларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларидан:

– кредит ажратилиши билан боғлиқ банк мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан келиб тушган шикоятлар ҳақидаги маълумотлар (имкон қадар охириги 3 йиллик маълумотлар);

– кредит ажратилиши билан боғлиқ банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари ва уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментидан:

– банк-кредит секторида содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноий даромадларни кредит тизими орқали легаллаштириш, коррупция, кредит ресурсларининг талон-торож қилиниши бўйича аниқланган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳамда уларнинг натижаларига оид маълумотлар.

Суд идоралардан:

– банклар томонидан муаммоли кредит қарздорликларини ундириш учун тақдим этилган даъво аризалари, уларни кўриб чиқиш натижаси ҳақида маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Мажбурий ижро бюросидан:

– кредит қарздорликларини ундириш (айниқса, муаммоли кредитлар) билан боғлиқ ижро ҳужжатларининг ижросига доир маълумотлар.

Текширувларнинг сифатли, ҳар томонлама ва тўлиқ

ўтказилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк, Иқтисодиёт

ва молия, Адлия, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Рақамли технологиялар ҳамда Транспорт вазирликлари, Давлат активларини бошқариш, Кадастр агентликлари, Ғазначилик хизмати, Солиқ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмиталари, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан тегишли мутахассислар жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тегишли маълумотлар комплекс таҳлил қилиниб, жалб этиладиган мутахассислар масаласи ҳал қилинганидан сўнг, ўтказиладиган текширув режаси шакллантирилади ва режада белгиланган масалалар (текшириш предмети) тўлиқ ва сифатли ўрганилади (прокурор текширувининг асосий босқичи).

Хуқуқшунос олим А.Комилов тўғри таъкидлаганидек, “мазкур босқичнинг асосий хусусияти – текширув объекти томонидан соҳага доир қонунчилик ижроси аҳволи ва фаолиятнинг қонуний асосда амалга оширилаётганлигига ҳуқуқий баҳо беришдан иборат”[9].

Текширишда Марказий банк ва унинг ҳудудий тизимида қуйидаги масалалар ўрганилиши талаб этилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа соҳага оид қонун ҳужжатларига мувофиқ банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида банклар фаолияти устидан пруденциал назорати аҳволи;

- кредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия беришда белгиланган талаблар ва шартларга риоя этилганлиги ҳамда кредит ташкилотлари томонидан ҳам риоя этиши устидан назорат аҳволи;

- банкларнинг, шунингдек микромолия ташкилотларининг, ломбардларнинг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, кредит бюроларининг ва банклар гуруҳларининг фаолияти устидан назорат аҳволи;

- Марказий банкда банкларнинг мажбурий захираларига доир нормативларни, шунингдек мажбурий захиралар суммасига нисбатан ўртачалаш коэффициентининг белгиланганлиги;

- пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида Марказий банк банклар жалб қилган мажбуриятлар остида банклар томонидан Марказий банкда депонентга ўтказиладиган мажбурий захираларнинг нормативлари белгиланганлиги;

- кредит ташкилотлари фаолиятини назорат ва мониторинг қилиб борилганлиги;

- банк-молия тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини масофавий назорат қилиб борилганлиги;

- банклар томонидан пруденциал нормативларга, шу жумладан капитал етарлилиги, ликвидлилик бўйича ўрнатилган талабларга амал қилиш устидан таъсирчан назорат ўрнатилганлиги;

- кредит ташкилотларининг кредитлаш, молиялаштириш имкониятларининг ўрганиб борилганлиги;
- кредит ташкилотлардан баланслари ва молиявий кўрсаткичлари юзасидан мониторинг ўтказиб борилганлиги;
- кредит ташкилотлари ишончилиги ва молиявий барқарорлигининг пасайиш сабаблари таҳлил қилиб борилганлиги;
- кредит ташкилотлари томонидан қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва улар билан белгилаб қўйилган пруденциал меъёрлар бузилган ҳолатларда белгиланган тегишли чораларни қўллаш юзасидан Банк назорати қўмитасига таклифлар киритиб борилганлиги;
- банкларнинг молиявий ҳолати, жумладан, активлар (кредитлар) сифати, ликвидлик даражаси ҳамда тўловга лаёқатлилигидаги хатарларнинг таҳлил қилинганлиги ва мавжуд хатарларга банкларнинг бардошлилиги баҳолаб борилганлиги;
- нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга қаратилган чораларнинг кўрилганлиги;
- кредит ташкилотлар фаолиятини оқилона таҳлил қилиш мақсадида кредит ташкилотларидан ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларидан барча тегишли маълумотларнинг олинганлиги ҳамда умумлаштириб таҳлил қилиб борилганлиги;
- Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг кредит ташкилотлари томонидан бажарилиши назорат қилиб борилганлиги;
- кредит ташкилотларини назорат қилиш механизмларини, шунингдек банк фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи банк хатарларини бошқариш ва баҳолаш аҳволи;
- банклар фаолиятида мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларга уларнинг бардошлилигини таъминлаш мақсадида банкларда мақбул даражадаги капитал ва ликвидлилик буферлари шакллантириш чораларининг кўриб борилганлиги;
- кредит ташкилотларини назорат қилиш механизмларини, шу жумладан юзага келадиган хатарларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича таҳлилий маълумотларнинг Марказий банк Банк назорати қўмитаси ва бошқарувига киритиб борилганлиги;
- банклар ва нобанк кредит ташкилотларининг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, молиявий

хизматларнинг очиклигини ҳамда аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш борасидаги вазифаларнинг тўлиқ бажарилаётганлиги;

- кредит ташкилотларининг, шу жумладан кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш фаолиятига маъмурий аралашувга йўл қўймаслик чораларининг кўрилганлиги;

- кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини кучайтириш, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

- Марказий банкнинг банк фаолиятига рухсат беришга доир ваколатларини мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилганлиги;

- “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция, порахўрлик, таъмагирлик ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар аҳволи.

Марказий банкнинг назорат функциялари бажарилиши аҳволини ўрганишда:

- текширишларда давлат ва жамиятга етказилган зарарларнинг аниқланиши ва уларнинг ундирилиши аҳволи;

- аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли таъсир чоралари қўллаш ҳақидаги қарор ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлиги, уларнинг ижроси таъминлангани, жарималарнинг ундирилиши аҳволи;

- жиноят аломатлари мавжуд текшириш материалларини

Бош прокуратура билан имзоланган қўшма тартиб асосида прокуратура органларига юборилганлиги ва таққослама далолатномалар тузиб борилганлиги;

- ҳуқуқий чоралар қўллаш юзасидан судларга қилинган мурожаатлар, уларнинг кўриб чиқилиши натижалари ва ҳ.к.

Тижорат банкларида:

- кредит ажратишда банк кредит сиёсати ҳамда кредит ажратиш тартибига риоя қилинганлиги;

- кредит ажратишда ваколатли орган (кредит қўмитаси, кредит комиссияси ва бошқалар) томонидан ўрнатилган меъёрларга риоя қилинганлиги;

- илгари олинган кредит маблағларини сўндириш мақсадида ёки мазкур кредитни сўндирмасдан туриб мазкур қарз олувчига янги кредит маблағлари ажратиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги;

- кредит маблағларини ажратишда кредит сиёсатида белгиланган чекловларга қатъий риоя қилинганлиги;

– банкка алоқадор шахсларга кредит ажратишда кредит сиёсати, кредит ажратиш тартибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 29.10.2020 йилда 3283-сон билан рўйхатдан ўтган “Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисида”ги Низом талабларига риоя қилинганлиги;

– кредит таъминоти сифатида суғурта полиси қабул қилинганда суғуртанинг кредитнинг тўлов муддатига тўлиқ олинганлиги;

– банклар томонидан кредит таъминоти сифатида юридик шахсга тегишли кўчмас мулкларни гаровга қабул қилишда мазкур юридик шахс таъсисчиларининг розилиги олинганлиги;

– кредит ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситаларининг гаровга қўйилганлиги, банк томонидан гаров реестрида тақиқ қўйилганлиги;

– кредит таъминоти сифатида автотранспорт воситалари ҳамда махсус техникалар гаровга олинishiда белгиланган тартиб ва муддатларга риоя қилинганлиги;

– кредит таъминоти сифатида гаровга олинган гаров мулкларининг белгиланган муддатларда мониторинги олиб борилганлиги;

– кредит таъминоти сифатида гаровга олинган мулкларнинг шикастланиш ёки нобуд бўлиш хавфидан кредит тўлиқ муддатга суғурта қилинганлиги;

– кредит қарздорлиги тўлиқ қопланган тақдирда гаровга қўйилган мулклар қонунчиликда белгиланган муддатларда тақиқдан чиқарилганлиги;

– кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар (ипотека шартномалари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

– кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулклар кредит қарздорлиги қопланмасдан ўзгартирилганлиги, бунда кредит сиёсати талабларига риоя қилинганлиги;

– банк кафолати тақдим этилиши, уларнинг белгиланган тартибда ҳисоби юритилиши, кафолат тақдим этишда белгиланган тартибга риоя қилинганлиги;

– муаммоли кредитларни сўндириш бўйича тижорат банклари томонидан қарздорларнинг мол-мукига қаратиб, муддати ўтган кредит қарздорлигини сўндириш бўйича амалга оширилган ишлар аҳволи;

– тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича белгиланган вақтда мониторинг олиб борилганлиги;

– мижозларнинг муддати ўтган кредит қарздорликларини яшириш ва юзага келган қарздорликлари сўндириш мақсадида сторно амалиёти амалга оширилишига йўл қўйилганлиги[10];

– кредит маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг ишлари амалга оширилганлиги.

Муаммоли кредитларни ҳисобдан чиқариш йўналишида:

– банкда активларни классификация қилиш ва захиралар яратиш бўйича ички меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

– кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар белгиланган талабларга мувофиқ шакллантирилганлиги;

– етарлича захира шакллантирмаслик ҳолатларининг мавжудлиги;

– кредитларни тўғри таснифлаб борилаётганлиги ҳамда ушбу жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги;

– тўлов муддати ўтган ҳамда суд жараёнидаги кредитларнинг тегишли ҳисоб-рақамларда тўғри акс эттирилганлиги;

– “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ҳисобининг белгиланган тартибда балансдан ташқари ҳисоб-рақамларга ўтказилганлиги;

– банк ликвидлигига оид муаммоларни олдини олиш мақсадида молиявий манбаларнинг тегишли тузилмаси ҳамда активлар ва мажбуриятларнинг муддатлар бўйича мутаносиблиги учун зарур бўлган ликвид активларнинг энг кам суммасини сақлаб туриш бўйича мажбуриятларнинг бажариб борилганлиги ўрганилади.

Банк томонидан гаров мулкларини балансга олиш ҳамда реализация қилиш йўналишида:

– Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан сотилмаган мулкларни белгиланган тартибда банк балансига олиш таклиф этилганлиги;

– банкларга келиб тушган таклиф хатларига ўз вақтида муносабат билдирилганлиги ва мол-мулклар банк балансига қабул қилинганлиги;

– банк балансига қабул қилинмаган гаров мулкларини таққидан чиқариш билан боғлиқ низолар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари қонунчиликка мувофиқ бартараф этилганлиги;

– балансга олинган мол-мулкларнинг кредит қарздорлиги билан мутаносиблиги;

– мол-мулклар банклар томонидан балансга олинган тақдирда, қарздорлик қоплангандан ортиқ қисми кредит олувчига қайтарилганлиги;

– аукционда сотилмасдан қарздорликларни сўндириш эвазига

банк балансига олинган мол-мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотилганлиги;

– қарздорликларни сўндириш эвазига банк балансига қабул қилинган бино-иншоотлар, технологик ускуналар ва бошқа мол-мулклар негизда тижорат банклари ҳузуридаги инвестиция компаниялари орқали тўхтаб қолган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини тиклаб, уларни тайёр бизнес сифатида салоҳиятли инвесторларга сотиш амалиётидан кенг фойдаланиш ҳолати ўрганилади.

Банк кредитларининг тўлов муддатларини узайтириш йўналишида:

– кредитларнинг тўлов муддатлари белгиланган тартибда узайтирилганлиги;

– кредитларнинг тўлов муддатлари узайтирилгандан сўнг қарздор молиявий самарага эришганлиги;

– кредитларни тўлов муддатлари узайтирилгандан сўнг янги тўлов жадвалига кўра қарздорликни ўз вақтида тўланиш аҳволи;

– кредитларни тўлов муддати узайтирилиши жараёнида кредитнинг мижоз томонидан мақсадли ёки мақсадсиз ишлатилиши ҳолатларининг ўрганилганлиги;

– кредитнинг тўлов муддатларини такроран узайтириш жараёнида тижорат банклари томонидан белгиланган ички тартиб-қоидаларга

риоя этилганлиги ўрганилади.

Бундан ташқари, текширишлар давомида:

– ижро интизоми, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлиги, юридик хизмат фаолиятининг самарадорлиги, меҳнат (шу жумладан, ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари - KPI) ва давлат тили тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилганлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳал этилишининг қонунийлиги;

– Марказий банк ва унинг қуйи тизими, тижорат банкларида коррупциявий омилларни бартараф этиш борасида амалга ошириш ишлар аҳволи;

– Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этилганлиги;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг соҳани тартибга солиш бўйича берган топшириқларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ ижро қилинганлиги;

– соҳада рақамлаштириш технологияларининг жорий этилганлиги;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Бош прокуратураси ва Марказий банк раҳбарлигида ўтказилган муаммоли кредит қарздорликларини қисқартиришга доир идоралараро йиғилиш қарорлари ижроси таъминланганлиги ҳам ўрганилиши лозим.

Текшириш якунига кўра умумлаштирилган маълумотнома тузилиб, текширув объектининг масъул раҳбарларига таништирилади.

Шунингдек, мазкур босқичда ўтказилган прокурор текширувига масъул бўлган ёки текширишни бевосита ўтказган прокуратура органининг тезкор ходими томонидан ўтказилган текшириш якунлари ва унда аниқланган ҳолатларга қонуний баҳо берилади, текшириш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қандай прокурор таъсир чораларини (ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари) қўллаш зарурлиги тўғрисида хулосага келинади, мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланади ва ваколатли прокурор томонидан имзоланиб, ижрога қаратилади[11]. Текшириш материаллари ва прокурор назорати ҳужжатлари конфиденциал тусга эга бўлиши, хизматда доирасида фойдаланиш учун мўлжалланиши ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаслиги лозим. Ушбу талаблардан четга чиқиш ахборотнинг сиздирилиши хавфини юзага келтиради ҳамда иқтисодий фаолият эркинлигининг бузилишига, кредит ташкилотларига зарар етказилишига ва мамлакат банк тизимининг беқарорлашувига олиб келиши мумкин[12].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Комилов А.Б. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари: юридик фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 182.
https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=Prokuratura+organlarining+qonunlar+ijrosi+ustidan+nazorat+faoliyatida+huquqiy+vositalarini+qo%E2%80%98llashdagi+muammolar+va+takomillashtirish+masalalari&btnG=.

2. Простова В.М. Экономическая безопасность России и проблемы прокурорского надзора: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Генеральная прокуратура Российской Федерации Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка, 1998. – С. 114.

3. Алхутова Е.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов об административной ответственности за правонарушения в сфере экономики: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Федеральное государственное образовательное учреждение высшего профессионального образования Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2013. – С. 156.

4. Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма. II жилдда. 2-жилд // ю.ф.ф.д. (PhD) А.Б.Комилов, Н.А.Азизов ва бошқа

муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Т.Юлдашевнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022. – Б. 182.

5. Паламарчук А.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о банках и банковской деятельности в Российской Федерации: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации», 2008. – С. 153.

6. Простова В.М. Экономическая безопасность России и проблемы прокурорского надзора: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Генеральная прокуратура Российской Федерации Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка, 1998. – С. 119.

7. Субанова Н.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере лицензирования [Текст]: вопросы теории и практики / Н. В. Субанова. – Москва: Юриспруденция, 2011. – 201, [1] с.

8. Ивкова А.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма в банковской сфере: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации», 2014. – С. 110, 114.

9. Комилов А.Б. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари: юридик фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 221. // https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=Prokuratura+organlarining+qonunlar+ijrosi+ustidan+nazorat+faoliyatida+huquqiy+vositarni+qo%E2%80%98llashdagi+muammolar+va+takomillashtirish+masalalari&btnG=

10. Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма. II жилдда. 2-жилд // ю.ф.ф.д. (PhD) А.Б.Комилов, Н.А.Азизов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Т.Юлдашевнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022. – Б. 201.

11. Комилов А.Б. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари: юридик фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 224-225. // https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=Prokuratura+organlarining+qonunlar+ijrosi+ustidan+nazorat+faoliyatida+huquqiy+vositalar+qo%E2%80%98llashdagi+muammolar+va+takomillashtirish+masalalari&btnG=

12. Паламарчук А.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о банках и банковской деятельности в Российской Федерации: диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации», 2008. – С. 154.